

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮЛДАШЕВ РУСТАМ ДАНИЁРОВИЧ**

**ТАЪЛИМ ФАЛСАФАСИ – ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ–КОНЦЕПТУАЛ АСОСИ**

**09.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD) on  
philosophical sciences**

**Юлдашев Рустам Даниёрович**

Таълим фалсафаси – таълим жараёнини ривожлантиришнинг  
назарий–концептуал асоси ..... 3

**Юлдашев Рустам Даниёрович**

Философия образования–концептуальная основа  
развития процесса образования ..... 23

**Yuldashev Rustam Doniyorovich**

Philosophy of education–the conceptual base of development  
of educational process ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of publications ..... 47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮЛДАШЕВ РУСТАМ ДАНИЁРОВИЧ**

**ТАЪЛИМ ФАЛСАФАСИ – ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ–КОНЦЕПТУАЛ АСОСИ**

**09.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2019**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Fal67 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида samdu.uz ҳамда “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ZIYONET.UZ) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Яхшиликков Жўрабой Яхшиликлович**  
Фалсафа фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Хакимов Назар Хакимович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Хажиева Мақсуда Султоновна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент тиббиёт академияси**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.F.02.02 рақамли Илмий кенгашининг 2019 йил «\_\_»\_\_соат\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади.(Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz. Самарқанд давлат университети, Бош бино, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ \_\_\_\_ - рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366)239-13-87, 239-11-40; факс: (0366)239-11-40.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди (2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_-рақамли реестр баённомаси).

**Б.О.Тураев**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, фалсафа  
фанлари доктори, профессор.

**Х.А.Джуракулов**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгашкотиби,  
фалсафа доктори (PhD),фалс.ф.б.

**Қ.Н.Назаров**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги  
Илмий семинар раиси, фалсафа  
фанлари доктори,профессор.

## **КИРИШ ( фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳондаги ҳар бир мамлакатларнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий салоҳияти унинг маънавий пойдевори бўлган таълим жараёнининг қандай даражада шаклланганлигига, таълим жараёнини ривожлантириш учун қандай назарий-концептуал ғоялар ва илмий-амалий ишланмалардан фойдаланилаётганлигига боғлиқдир. Бу эса, дунёда илм-фан ютуқларидан эзгу мақсадларда фойдаланиш зарурияти таълим фалсафасини изчил тарзда ривожлантириш асосида таълим жараёнини инсон фаолиятининг инновацион қисмига айлантиришнинг замонавий назарий-концептуал, илмий-амалий асосларини ишлаб чиқишни ва ҳаётга жорий этишни талаб қилади. Шу сабабли таълим фалсафасининг концептуал асосларини тадқиқ этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бирига айланди.

Дунё илм-фанида таълим фалсафасини таълим жараёнининг узвий бўлаги сифатида тадқиқ этиш яъни, уни таълим методологиясини ишлаб чикувчи метаназария, янгидан пайдо бўлган педагогик феноменлар ва таълим амалиёти турларини назарий-методологик жиҳатдан асослаб берувчи педагогика сифатида баҳолаш талқини мавжуд. Таълим фалсафасини дедуктив ва индуктив мантиқнинг уйғунлиги тамойилига асосланган ҳолда инновацион тафаккурга эга бўлган шахсни шакллантириш ва ривожлантириш, уни амалга оширишнинг инфратузилмасини ишлаб чиқиш давр талабига айланди. Инновацион шахсни шакллантириш инновацион инфратузилмалар асосида ҳаракатга келтирилади. Шунинг учун шахснинг инновацион қобилиятини ўстириш ва такомиллаштиришга қаратилган инновацион инфраструктурани яратиш, ишга тушириш ҳамда инсон кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган репродуктив методлардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичида таълим жараёни тизимли равишда йўлга қўйилган бўлиб, унда дунёвий илм асосларидан таълим берилмоқда. «Аҳоли ҳаёт даражаси ва сифати кўп жиҳатдан мамлакат рақобатдошлигининг асосий кўрсаткичига айланган бугунги шароитда тараққиётнинг муҳим омили сифатида таълимнинг роли ортиб бормоқда. Ҳозирги пайтда жамият ва цивилизациялар аввало ижтимоий қадриятлар ва таълим тизимлари билан рақобатлашмоқда»<sup>1</sup>. Бироқ, таълим жараёнини бошқаришни ташкил этишда изчил концептуал-методологик аҳамиятга молик бўлган фалсафий ғояларнинг узлуксиз тарзда илгари сурилмаганлиги натижасида мавжуд таълим тизими бевосита амалиёт билан боғланмасдан билимли ва малакали рақобатбардош кадр-мутахассисларга бўлган эҳтиёжни қондиришга тўсқинлик қилиб қолди. Бу эса ўз навбатида мамлакатнинг иқтисодий-социал ривожланишига ўзининг салбий таъсирини ўтказа бошлади. Демак, буларнинг барчаси таълим жараёнини янгича фалсафий

---

<sup>1</sup>Мирзиёев Ш.М. Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.– Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.– Б.35

концептуал дунёқараш асосида тубдан ислоҳ қилиш масаласини ўткир зарурат сифатида кун тартибига қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда қабул қилинган ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ва “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон Фармонлари, шунингдек, 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2707-сон “2017–2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва “Ёшларни маънавий – ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим – тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора – тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон қарорлари ижросини ҳамда соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Таълим жараёнини шакллантириш, ривожлантириш, бошқариш, таълим сифатини назорат қилиш, инновацион таълим ва унинг инфратузилмасини яратиш муаммосини тадқиқ қилиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эгадир. Хорижлик олимлардан В.В. Bernstein<sup>1</sup>, J.A.Banks, J.Mora, A.Arimoto ва бошқалар таълим тизимида тенглик тамойилини жорий этиш, олий таълим тизимида кадрлар тайёрлашнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, таълим тизимини молиялаштириш, таълим жараёнида янги педагогик технологияларни қўллаш, олий таълимда маркетинг, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан С.К.Булдаков, Б.С.Гершунский, О.В.Долженко, Н.П.Пишулин, В.С.Грехнев ва бошқа тадқиқотчилар таълим тизимини фалсафий жиҳатдан такомиллаштириш, таълимнинг индустриал жамиятдаги ўрнини белгилаб бериш, О.А.Базалук<sup>2</sup> эса янги XXI асрда бутун коинотни умум-фалсафий англашга оид “космологик концепция” даврида таълим фалсафасининг ўрнини ёритиш борасида тадқиқот ишларини олиб боришмоқда.

Ҳозирги даврда мамлакатимизда таълим жараёнини ҳар томонлама ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, Ж.Йўлдошев халқ таълимининг аҳволи ва унинг истиқболлари, Ю.Абдуллаев замонавий хорижий олий мактабнинг (Ғарб модели устувор ҳолда) концептуал тавсифларини умумлаштириб, улардан мамлакатимиздаги таълим тизимини ривожлантиришда фойдаланиш, Қ.Юлдошев миллий соғлом педагогик

<sup>1</sup>Bernstein. В. The structuring of pedagogic discourse.–London,1990.P–189.

<sup>2</sup>Базалук О.А. Философия образования в свете новой космологической концепции. Учебник. – Киев: Кондор, 2010 г.

фалсафий тафаккурни шакллантириш, Б.Зиямухамедов педагогиканинг фалсафий асослари, Э.Ғозиев таълим жараёнини миллий психологик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш, Ф.Р.Қодирова, З.Р.Қодирова ва Н.Ҳ.Ҳакимовлар Ўзбекистонда фан ва таълимнинг интеграциялашувининг маънавий-ахлоқий ва ижтимоий, фалсафий-концептуал муаммолари, А.Зунунов, У.Маҳкамовлар дидактиканинг методологик асослари, Р.Ишмухамедов, М.Мирсолиева<sup>1</sup>, Ш.Ш.Олимов, З.Д.Ҳасанова ва бошқалар педагогик технологияларни ўқув-тарбия жараёнида қўллаш масалалари бўйича тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Шундан кўришиб турибдики, бугунги кунда ана шундай вазифани бажарувчи таълим фалсафасини яратиш, уни тадқиқ ва тадбиқ этиш бўйича мамлакатимизда бирон бир фалсафий илмий тадқиқот олиб борилаётганлиги кўзга ташланмайди. Шу боис, тадқиқот ишида мамлакатимизда миллий таълим фалсафасини фан сифатида яратиш мақсадида, унинг объекти ва предметини аниқлаш, категориал аппаратини ишлаб чиқиш, таълим жараёнини ташкил этиш, шакллантириш ва ривожлантиришнинг концептуал асосларини белгилаб бериши масалаларини ёритиш, шу асосда янгича фалсафий мазмундаги миллий инновацион таълим концепциясини ишлаб чиқиш, унинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ва ҳосиласи бўлган инновацион шахсни шакллантириш бўйича назарий ва амалий тавсиялар бериш кўзда тутилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ 2016-2020 йилларга мўлжалланган “Илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва илмий салоҳиятини оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар дастури” доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** таълим фалсафасини таълим жараёни (инновацион таълим)ни ривожлантиришнинг умумназарий концептуал асосларини белгилаб берувчи йўналиши сифатида асослаш ва соҳага оид таклиф-тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

таълим фалсафасининг онтологик, гносеологик ва аксеологик асосларини ёритиш, категориал аппаратини такомиллаштириш;

таълим жараёнини ривожлантиришнинг концептуал асосларини белгилаб берувчи концептуал аҳамиятга молик бўлган фалсафий парадигмаларининг потенциал имкониятларини кўрсатиш;

таълим жараёнини ривожлантиришнинг янгича фалсафий мазмундаги миллий инновацион концепциясини ишлаб чиқишга доир таклифлар бериш;

таълим жараёнида инновацион шахсни шакллантириш ва ривожлантириш, уни амалга оширишнинг инфратузилмасини ишлаб чиқиш.

---

<sup>1</sup> Ишмухамедов Р., Мирсолиева М. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va technology», 2014. – Б.52.

**Тадқиқотнинг объекти** Ўзбекистоннинг замонавий таълим тизими ва таълим жараёнининг ижтимоий-фалсафий асослари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** таълим жараёнининг қонуниятларини ақс эттирувчи, фалсафий-методологик аҳамиятга эга бўлган миллий инновацион таълим концепциясини ривожлантириш масалалари билан белгиланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тарихийлик, мантиқийлик, таққослаш, моделлаштириш, абстрактлаштириш, факториал таҳлил, социометрик (сухбат, анкета, тест, интервью) каби усуллар қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

компетентлик шахснинг маълум бир соҳада бирор ишни бажаришга бўлган қодирлилик қобилияти ва шунга қараб расмий ёки норасмий равишда унга бериладиган ваколатлар доираси эканлиги аниқланган;

таълим жараёнини шакллантириш ва ривожлантиришда фалсафий парадигма (гносеологик, культурологик, ижтимоий, технократик, гуманистик ва б.қ.)ларнинг концептуал ва регуляторлик вазифаси асосланган;

жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаётини ривожлантириш, ўзгартиришга қаратилган янги ғояларни илгари сурувчи, илмий-амалий ишланмаларни яратувчи, уларни амалиётга татбиқ қилувчи иқтидорли, талантли инсон (инновацион шахс)ни шакллантириш зарурлиги тизимлилик, изчиллилик ва комплекслилик тамойили асосида исботланган;

инновацион шахсни шакллантириш ва ривожлантириш ишларининг миқдорий ва сифатий кўрсаткичларини такомиллаштиришнинг методик, шахсий, креатив, информацион ва инновацион мезонлари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

таълим фалсафасини таълим жараёнини илмий асосда ташкил этишнинг концептуал назарий-методологик асоси сифатида барча олий ўқув юртларида ўқитиш зарурлиги бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

инновацион шахсни шакллантириш ва ривожлантириш – мамлакатнинг келгусидаги тақдирини ҳал этувчи омил эканлиги асосланган;

таълим жараёнида ўқитиладиган дунёвий ва диний илмларнинг туб фалсафий моҳиятидан келиб чиққан ҳолда инновацион фаолият олиб бориш асосида инновацион таълимни йўлга қўйиш ишларини ташкил этиш масаласи аниқлаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан мактабгача таълим вазирлиги, халқ таълими вазирлиги, олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигининг статистик маълумотларидан олинганлиги ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилинганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, мамлакатни инновацион ривожлантириш стратегиясини амалга оширишнинг асосий бўғини бўлган миллий инновацион таълим тизимини яратишнинг фалсафий-методологик асосларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.



Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, мамлакатда кенг қамровли ислохотлар амалга оширилаётган бир вақтда таълим жараёнини янги сифатий босқичга кўтариш учун барча таълим муассасаларида таълим сифати ва қамровлилигини ошириш, уларнинг узлуксизлигини таъминлаш, барқарор фаолият юритадиган миллий инновацион таълим тизимини шакллантириш ва ривожлантириш, унинг мазмун-моҳиятини белгиловчи асосий омил инновацион шахсни камол топтириш учун зарурий бўлган ҳужжатлар, илмий-амалий ишланмалар, шунингдек уни амалга оширишнинг усул ва воситаларини ишлаб чиқиш ва амалда қўллашда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Мамлакатимизда таълим фалсафасини ўқув фани сифатида ўқитиш, таълим жараёнининг фалсафий парадигмаларининг потенциал имкониятларидан фойдаланиш, таълим жараёнини ташкил этишнинг янгича фалсафий мазмундаги миллий инновацион концепциясини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

компетентлик – бу шахснинг маълум бир соҳада бирор ишни бажаришга бўлган қодирлилик қобилияти ва шунга қараб расмий ёки норасмий равишда унга бериладиган ваколатлар доираси эканлиги хусусидаги илмий хулосалардан “Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси” дарслигида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 1 февралдаги 89-03-594-сон маълумотномаси). Ушбу илмий тадқиқот натижалари дарсликдан фойдаланувчилар учун “профессional компетентлик” тушунчаси юзасидан хулосалар чиқариш имконини берган;

таълим жараёнини шакллантириш ва ривожлантиришда концептуал асос вазифасини ўтайдиган фалсафий парадигмалар назарий ва амалий жиҳатдан таснифланган ҳамда уларнинг потенциал имкониятларидан фойдаланиш зарурлиги тўғрисидаги илмий натижа ва хулосалардан Самарқанд вилояти халқ таълими тизимида инновацион ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Халқ таълим вазирлигининг 2019 йил 15 январдаги 04-35-сон маълумотномаси). Натижа, халқ таълими соҳасида хизмат қилаётган педагоглар фаолиятида таълим сифатининг потенциалини кўтаришга хизмат қилган;

“инновацион шахс” тушунчасига таъриф берилиб, уни шакллантириш ва ривожлантириш принциплари, методикаси, усул ва воситалари, инфра-тузилмасини яратиш ва ишга тушириш борасида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг “Очиқ мулоқот” ва “Долзарб мавзу” кўрсатувларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2019 йил 15 январдаги 0912/4-сон маълумотномаси). Мазкур тадқиқот натижаларининг эфирга узатилиши ёшларни инновацион шахс сифатида шакллантириш борасида амалга оширилаётган ишларнинг жадаллашувига хизмат қилган;

миллий инновацион таълим тизимида инновацион шахсни шакллантириш ва ривожлантириш талаблари асосида ишларининг миқдорий ва сифатий кўрсаткичларини аниқлаш мезонларини ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш бўйича таклиф ва тавсиялардан Самарқанд давлат университети ҳузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази тингловчилари учун “Замонавий таълим технологиялари” номли ўқув қўлланма тузишда фойдаланилган (Самарқанд давлат университети 2019 йил 12августдаги 10-3594-сон маълумотномаси). Мазкур илмий натижанинг амалиётга татбиқ этилиши таълим олувчиларнинг инновацион тафаккурини янада юксалтиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертация асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола (3 та республика ва 3 та хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва жадваллардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 158 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқот матнининг **“Кириш”** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва илмий янгилиги асосланган, илмий ишнинг мамлакатимиз фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган, изланишлар жараёнида олинган натижаларнинг илмий-назарий ва амалий аҳамияти, уларнинг амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Таълим фалсафасини методологик концептуал фан сифатида тадқиқ этишнинг умумназарий масалалари”** деб номланган биринчи бобининг “Таълим фалсафасини ўрганишнинг замонавий илмий талқинлари” номли биринчи параграфида ҳозирги кунда таълим фалсафасини тадқиқ ва тадбиқ этиш бўйича учта илмий тадқиқий ёндашув:

1) таълим фалсафасини умумий фалсафанинг бир қисми, яъни умумий фалсафани таълим жараёнига амалий фалсафа сифатида тадқиқ этиш;

2) таълим фалсафасини педагогик назариянинг бир бўлаги сифатида тадқиқ этиш яъни, уни таълим методологиясини ишлаб чиқувчи метоназария, янгидан пайдо бўлган педагогик феноменлар ва таълим амалиёти турларини назарий-методологик жиҳатдан асослаб берувчи педагогика;

3) таълим фалсафасини дедуктив ва индуктив мантиқнинг уйғунлиги

тамойилига асосланган ҳолда тўлақонли фанлараро (интегратив) илмий билим соҳаси сифатида тадқиқ қилиш мавжудлиги аниқланиб, уларнинг моҳияти ва амалий аҳамияти очиб берилган.

Бобнинг “Таълим фалсафасининг объекти, предметини аниқлаш, мақсад ва вазифаларини белгилаш муаммолари” деб номланган иккинчи параграфиди таълим фалсафасининг объекти аниқланиб, унга табиий, ижтимоий ва инсон борлиғи; ижтимоий тузум ва унинг характери; таълим жараёни ва унинг манбалари; таълимнинг субъстанционал ва институтционал тизими; жамият аъзоларининг саводхонлик даражаси, шунингдек, таълим фалсафасининг предметига: объектив равишда мавжуд бўлган аниқ табиат, жамият ва инсон борлиғини ўрганишдан ҳосил қилинган билимлар; объектив оламдаги нарса, ҳодиса ва воқеаларни билиш борасида юз берадиган таълим жараёни ва унинг ривожланиш қонуниятлари; таълим жараёнининг изчил кечишини таъминлайдиган таълим турлари; таълим йўналтирилган ихтисосликлар; таълим беришни таъминловчи инновацион технологиялар; таълимни ривожлантиришга қаратилган концепциялар; таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари; давлат таълим стандартлари ва уларнинг ижтимоий фалсафий мазмуни; таълим тизимини бошқариш; таълимни ривожлантиришга хизмат қилувчи жамоатчилик ва илмий муассасалар; таълим тили; таълимнинг дифференциаллашув ва интеграллашув жараёнлари; таълимнинг миллий ва умуминсоний, гуманистик хусусиятлари; таълим беришдаги ғоявий кураш ва кадрларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш; таълим тизимининг илмий фалсафий манзарасини яратиш масалалари; таълим тўғрисида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва шу кабилар ташкил қилиши аниқланди. Шунга кўра, таълим фалсафаси – бу табиат, жамият ва инсон шуурида содир бўлаётган нарса, ҳодиса, воқеа, жараёнлар ҳақидаги билимларни интеграциялаш натижасида кишилар онгига сингдиришнинг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланишининг энг умумий қонуниятлари, принциплари, усуллари, турлари, механизмлари ҳақидаги методологик аҳамиятга эга бўлган концептуал илмий-амалий фандир. Шу нуқтаи назардан қараганда, у фалсафий билимларнинг бошқа фанлар билан интеграллашиб боровчи мустақил бир соҳасидир.

Таълим фалсафасининг субъекти (лотинча *subjektum* – остида, асосида турувчи)<sup>1</sup> деб, таълим жараёнида фаол иш-ҳаракат қилувчи, билувчи, онг ва иродага эга бўлган таълим олувчи ва берувчилардан иборат бўлган индивид, шахс ҳамда ижтимоий гуруҳларга айтилади.

Таълим фалсафасининг объекти ва субъекти ўртасида диалектик алоқадорлик мавжуд бўлиб, у қуйидаги муносабатларда: 1) таълим берувчи таълим олувчилар учун зарур бўлган объектларни ясайди яъни, таълим олувчи субъект, таълим берувчи томонидан қўлланилган нарсаларни ўз фаолиятининг объектига айлантиришида; 2) таълим олувчи учун таълим

---

<sup>1</sup>Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати.3-жилд. – Т.: Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. – Б.575.

берувчи томонидан айтилаётган барча фикр, ғоя, назария, қўлланилаётган амалий ишланмалар шу жумладан, таълим берувчининг ўзи ҳам объект ҳисобланишида; 3) таълим олувчи (субъект) таълим берувчи (объект) томонидан берилаётган билимларни ўзлаштиришда, таълим объектини эркин танлаш асосида билишнинг мавжуд стурктурасини ўзгартириб юбориши мумкинлигида; 4) таълим жараёнидаги субъект-объект муносабатларида, таълим субъектнинг ижтимоий табиатга эга эканлигида, субъектлараро муносабатларга ҳам боғлиқлигида яққол кўринади. Демак, бунда таълим олувчи бўлмаса, таълим берувчи ҳам бўлмайди.

Таълим фалсафасининг асосий мақсади – бу буюк аждодларимиз ва уларнинг ҳозирги кундаги издошлари томонидан табиий, ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида тўпланган билимларни таълим олувчилар онгига сингдиришнинг умумий қонуниятларини очиш орқали жамиятнинг ҳаёти учун зарур бўлган юқори малакали инновацион фикрлайдиган мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондиришнинг келгусидаги истиқболларини назарий-методологик жиҳатдан белгилаб беришдан иборат.

Таълим фалсафаси ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда назарий-методологик аҳамиятга молик бўлган қуйидаги бир қатор вазифаларни: табиий, ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича таълим бериш жараёнининг янги қирраларини очиш; фанларнинг дифференциаллашиб ва интеграллашиб бориш қонуниятларини тадқиқ қилиш; таълим жараёнига миллий ғоя ва мафкура руҳини бериш; таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг замонавий диалектик алоқадорлик қонуниятларини ишлаб чиқиш; таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини легаллаштириш; инновацион таълимни ривожлантириш, шу асосида инновацион шахсни шакллантиришнинг илмий-амалий асосларини ишлаб чиқиш; таълим жараёнининг изчиллигини таъминлаш учун зарур бўлган давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари, дарслик ва ўқув қўлланмаларининг янги авлодини яратиш кабиларни бажаради.

Мазкур бобнинг учинчи параграфи “Таълим фалсафасининг онтология ва гносеологияси, асосий қонун ва категориялари аниқлаш ва тизимлаштириш масалалари” деб номланади.

Таълим фалсафасининг онтологик асослари деб, унинг мавжудлигини таъминловчи коинот, табиат, инсон, маънавий, ижтимоий борлиқларнинг мавжудлик ва реаллик шаклларида айтилади. Фалсафий тил билан ифодалаганда гносеология “онтологик”дир, онтология эса “гносеологик”дир<sup>1</sup>.

Таълим фалсафасининг гносеологик асосларини: мамлакатимиздаги барча таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида ўқитилаётган, илмий изланишлар олиб борилаётган қуйидаги: 39 номдаги физика-математика; 20 номдаги кимё; 25 номдаги биология; 17 номдаги геология-минерология; 220 номдаги техника; 20 номдаги қишлоқ хўжалиги; 7 номдаги тарих; 13 номдаги иқтисод; 11 номдаги фалсафа; 21 номдаги филология; 8 номдаги география;

<sup>1</sup>Қаранг: Назаров Қ. Фалсафа асослари.– Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2012.– Б.398.

10 номдаги юридик; 8 номдаги педагогика; 49 номдаги тиббиёт; 8 номдаги ветеринария; 7 номдаги санъатшунослик; 3 номдаги меъморчилик; 12 номдаги психология; 38 номдаги ҳарбий; 7 номдаги социология; 4 номдаги сиёсий, жами бўлиб, 547 номдаги фанлар таълим жараёнининг изчил кечишини таъминловчи дарсликлар, ўқув қўлланмалар, дастурлар, луғатлар, таълим тизимининг фаолиятини бошқариш, тартибга солиш, унинг келгусидаги истиқболларини белгилаб бериш мақсадида қабул қилинган қонун, қарор, фармон, буйруқ, йўриқномалар, таълим тизимининг тузилишига қараб: мактабгача таълим; умумий ўрта таълим; ўрта махсус, касб-ҳунар таълими; олий таълим; олий ўқув юртидан кейинги таълим; кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш; мактабдан ташқари таълим тармоқларида таълим-тарбия олаётган болалар, ўқувчилар, талабалар, профессор-ўқитувчилар, илмий тадқиқотчилар ва бошқаларнинг саводхонлик даражалари, амалга оширган илмий ишлари, амалиётда қўлланилаётган ишланмалар; таълим жараёнининг узлуксиз ривожлантиришга қаратилган инновацион таълим, уни амалиётга тадбиқ қилиш усул ва воситалари ва шу кабилар ташкил қилади.

Тадқиқот натижасида таълим фалсафасининг қуйидаги: 1) жамиятда таълим ва манфаатларнинг ўзаро алоқадорлиги, таълимнинг жамият манфаатларига мос келиши, манфаатнинг таълим йўналишини белгилаши; 2) таълим жараёнида объект ва субъектнинг диалектик бирлиги, бунда объектнинг субъект мазмунини белгилаши, субъектнинг эса объект структурасини (моҳиятини) ўзгартириши; 3) таълим берувчи ва таълим олувчининг ўзаро алоқадорлиги, бунда таълим берувчи таъсирининг таълим олувчининг имконият ва характериға мос келиши; 4) таълим жараёнида таълим бериш ва таълим олишнинг узвий бирлиги, бунда таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг фаолиятини моделлаштириш; 5) таълим ва тарбиянинг диалектик бирлиги, таълимнинг тарбия жараёнини илмийлаштириши, тарбиянинг таълимни инсонийлаштириб бориши қонунлари, шунингдек: 1) таълимнинг давлат ва жамият томонидан юритаётган ғоявий-мафкуравий сиёсатиға; 2) таълимнинг фан ва техника тараққиётиға, мутахассисға қўйилаётган талабларига; 3) таълимнинг таълим олувчи ва таълим берувчи ўртасида ўрнатилган ахлоқий-маънавий, руҳий муносабатларға; 4) таълимнинг таълим берувчи устоз педагогнинг билими, касбий маҳорати, қизиқиши ва манфаатларига боғлиқлиги қонуниятларининг борлиги, шу билан бир қаторда унинг категорияларини аниқланиб, улар қуйидагича: 1) умумий категорияларға – таълим, билим, тарбия, таълим жараёни, таълим тизими, таълим сиёсати, узлуксиз таълим, дунёвий таълим, диний таълим, фалсафий таълим, ўқиш ва ўқитиш, ўргатиш ва ўрганиш; амалиёт, тажриба, назария; 2) субстанционал категорияларға – миллий таълим, инновацион таълим, интерактив таълим, касбий таълим, медиатаълим, масофали таълим, муаммоли таълим; 3) функционал категорияларға – мактабгача таълим; умумий ўрта таълим; ўрта махсус, касб-ҳунар таълими; олий таълим; олий ўқув юртидан кейинги таълим; кадрлар

малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш; мактабдан ташқари таълим каби тушунчаларга ажратилган ҳолда тизимлаштирилган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Таълим жараёни ва уни ривожлантиришнинг концептуал асослари”** деб номланган бўлиб, унинг биринчи “Таълим жараёни ва унинг ижтимоий феномен сифатидаги фалсафий-методологик таҳлили” номли параграфида таълим фалсафасининг асосий категорияси бўлган “таълим” тушунчаси<sup>1</sup>, шунингдек “таълим жараёни” ижтимоий феномен сифатида таҳлил қилиниб “таълим” тушунчасига тор маънода, таълим – бу мажбурийлик ва ихтиёрийликни уйғунлаштирган ҳолда инсон онгида бирон бир нарсанинг образини яратиш туфайли, кишиларга илм-фан ёки касб-хунар соҳаларини эгаллашлари учун билим бериш ва зарурий кўникмаларни ҳосил қилиш асосида уларни ҳаётга, меҳнатга тайёрлашнинг тизимлаштирилган жараёнини англатувчи, кенг маънода эса, таълим – бу шахс, давлат ва жамият томонидан кишиларнинг ёши, қизиқиши, саводхонлик даражаси, манфаат ва эҳтиёжларига қараб, бутун инсоният томонидан тўпланган барча илмларни, қадрият ва амалий кўлланма сифатида уларнинг онгига ихтиёрий ёки мажбурий тарзда синдириш орқали зарурий билим, кўникма ва малакаларни ҳосил қилган ҳолда ҳар бир шахсни меҳнатга тайёрлаш асосида ҳаётда бирон бир амалий натижаларга эришишга қаратилган узлуксиз жараёнлар тизимини ўзида акс эттирувчи фалсафий тушунчадир, деган таъриф берилди.

Таълим жараёнидаги “объект-объект”, “объект-субъект”, “субъект-субъект” муносабатлари диалектик ва синергетик тарзда кечиши мумкин. Бунда диалектик тарзда кечиши: а) сабабларига кўра – диалектик қарама-қаршилик; инкорни инкор; миқдор ва сифатнинг бир бирига ўтиши; б) шакллариغا кўра – босқичма босқич танаффуслар; сакраш; спирал тарзда ҳаракатланиш; оддийдан мураккабга қараб йўналиш; в) хусусиятларига кўра – сабабийлик; тасодифни заруриятнинг бир шакли сифатида қараш; г) омилларига кўра – объективлик, субъективлик, қонунийлик, тенденциялик; д) натижаларига кўра – охирги натижанинг зарурийлиги; ҳаракатнинг қайтиши; қандайдир ўзгаришнинг содир бўлиши; ж) билиш усули ва натижаларини текширишига кўра – абстрактликдан конкретликка ва аксинча конкретликдан абстрактликка ўтиш; е) амалиётнинг ҳақиқат мезони эканлиги билан характерланади.

Таълим жараёнидаги “объект-объект”, “объект-субъект”, “субъект-субъект” муносабатларининг синергетик тарзда кечиши: а) сабабларига кўра – мувозанатлилиқ; беқарорлик; эволюция ва коэволюция; б) шакллариغا кўра – флуктуациянинг тўпланиши (оғувчанлик); бифуркация; масофавий ўтишлар; тизимнинг ўзича янги ҳолатга ўтиши; чизиксизлик; жараёнларнинг

<sup>1</sup> Муҳиддинов Б., Газиёва Н., Каримова Д. Замонавий педагогик технология фанидан асосий таянч тушунчалар.– Т.: “Fan va texnologiya”, 2014. – Б.57-58., Ишмухамедов Р., Мирсолиева М. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2014. – Б.52., Николаева Л.Ю. Философия образования. Часть 1. Учебное пособие – М.: Мир науки, 2014. – С.17,38. Грехнёв В.С. Философия образования: учебник для бакалавриата и магистратуры.– М.: Издательства “Юрайт”, 2017. – С.21; Крашнёва О.Е. Философия образования: Социально-философский анализ предметной области: диссертация... кандидата философ наук: – Ростов-на-Дону, 2005.– С.32.

кўчкисимонлиги; ўз-ўзини ташкиллаштириш; в) хусусиятларига кўра-тасодифнинг эҳтимолийлиги; чамалаш орқали танлаш имкониятининг мавжудлиги; универсумнинг алоҳида соҳаларида сабабийликнинг борлиги; г) омилларига кўра-кичик таъсир; тасодиф; аттракторлар; тартиблар ўлчамлари; микро жараёнларга мезон ва макродаражада таъсир ўтказишнинг мавжудлиги; д) натижаларига кўра-янги беқарорликнинг пайдо бўлиши; орқага қайтмаслик; ўйланган фикрга тўғри келмаслик; мураккаблашиш; қисмлар қийматига тенг келмайдиган кўп даражали бутунликнинг юзага келиши; ж) билиш усули ва натижаларини текширишига кўра-рационаллик; редуционаллик; коэволюционаллик; пайқамай қолишлик кабилар билан ифодаланади.

Таълим жараёни деб жамиятнинг ўзини сақлаш ва ривожланиши учун зарур бўлган объектив оламдаги воқелик, мавжудлик ва реаллик тўғрисидаги билимларни эгаллаш орқали фуқароларга таълим бериш ва уларнинг таълим олишига қаратилган узлуксиз равишда, тизимли тарзда олиб борадиган фаолиятга айтилади. Унга хос бўлган хусусиятлар жумласига фаоллик, йўналтирилганлик, онглилик, тартиб-интизомлилик, тизимлилик кабилар киради.

Ушбу бобнинг иккинчи параграфи “Таълим жараёнини ривожлантиришга қаратилган замонавий фалсафий концепциялар: мазмуни, мақсади ва вазифалари” деб номланган бўлиб, таълим жараёнини шакллантириш, ривожлантириш ва ўзгартиришга қаратилган концепцияларни фалсафий жиҳатдан умумий, хусусий ва алоҳида турларга ажратилган. Бундаги умумметодологик аҳамиятга эга бўлган куйидаги: универсал билимларни эгаллашга қаратилган гносеологик; моддий ва маънавий қадриятларни ўзлаштиришга йўналтирилган культурологик; давлат ва жамият эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган ижтимоий; техника ва технологияларни амалда қўллашга мослаштирилган технократик; ҳар бир шахснинг баркамоллигини таъминлашга қаратилган гуманистик-фалсафий парадигмалар, шунингдек, хусусий концепцияларга: 1) таълим-фаолият; 2) таълим-ижтимоий институт; 3) таълим-қадрият; 4) таълим-натижа каби фалсафий қарашлар; алоҳида махсус концепцияларга эса: а) ассоциатив-рефлектор; б) ақлий қобилият ва тушунчаларни босқичма-босқич шакллантириб бориш; в) ривожланиб боровчи таълим; г) инновацион фаолият юритиш асосланган инновацион таълим киради.

Мазкур бобнинг “Инновацион фаолият-таълим жараёнини ривожлантиришнинг замонавий концептуал асоси” номланган учинчи параграфида Президент Ш.М.Мирзиёевнинг: “Инновация - бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак”<sup>1</sup>, – деган фикрлари мамлакатни ривожлантиришнинг фалсафий методологик-концептуал асоси эканлиги кўрсатиб берилган.

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.– Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018.– Б. 19-20.

Инновацион фаолият деб иқтидорли шахс, илмий жамоа, таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари, ишлаб-чиқариш бирлашмалари, конструкторлик-тажриба бюrolари кабилар томонидан жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаётини, унинг муайян соҳаларини ислоҳ қилиш, модернизациялаш, ривожлантириш учун янги ғоя, илмий-амалий ишланмаларни яратишга, уларни амалиётга жорий этишга қаратилган иш, ҳаракатлардан иборат бўлган жараёнлар тизимига айтилади.

Ҳар қандай инновацион фаолият икки томонлама, биринчидан, инновацион фаолият натижаларини таълим жараёнида қўллаш; иккинчи томондан таълим жараёни орқали инновацион фаолият юритиш каби хусусиятга эга бўлиб, уларнинг биринчиси таълим жараёнини шакллантириш, ривожлантириш ва ўзгартириш учун концептуал асос вазифасини ўтаса, иккинчиси эса инновацион фаолият юритишнинг интеллектуал асосини ташкил этувчи жараён ҳисобланади Уни амалга оширишнинг асосий механизмини инновацион таълим ташкил қилади.

Диссертациянинг учинчи боби **“Таълим жараёнида инновацион шахсни шакллантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари”** деб номланган бўлиб, унинг “Инновацион шахс тушунчаси, уни шакллантириш ва ривожлантириш принциплари, методикаси, усул ва воситалари” номли биринчи параграфида фалсафий жиҳатдан инновацион шахс – бу табиат, жамият, инсон тафаккурида рўй бераётган нарса, ҳодиса ва жараёнларининг сир-асрорларини зукколик билан англаш ва илмий билиш натижасида, жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаётини ривожлантириш, ўзгартиришга қаратилган янги ғояларни илгари сурувчи, илмий-амалий ишланмаларни яратувчи, уларни амалиётга тадбиқ қилувчи иқтидорли, талантли инсондир деб таърифланган бўлиб, уни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган умумфалсафий тамойилларни иккита катта гуруҳга: *биринчидан*, инновацион шахсни шакллантириш ва ривожлантиришнинг даврга монанд равишда маъносини, асосий йўналишини белгилаб берувчи илмийлик; фундаментал билимларга асосланган амалий аҳамиятга молик бўлган касбларни эгаллашга йўналтирилганлик; тизимлилик, изчиллилик ва комплекслилик; жамоа, гуруҳ бўлиб ва яқка тартибда ёндашиш кабилардан иборат бўлган ижтимоий-фалсафий; *иккинчидан*, инновацион шахсни шакллантириш ва ривожлантиришни ташкилий–методик жиҳатдан таъминлашда қўлланиладиган илмий-амалий тамойилларга ажратиш мумкин.

Таълим жараёнида инновацион шахсни шакллантириш методикасини бажарадиган вазифаларига қараб иккита таркибий: ўқув-методик ва илмий-методик қисимларга ажратамиз.

Таълим жараёнида инновацион шахсни шакллантириш ва ривожлантириш усуллари иккита катта гуруҳга ажратамиз.

Биринчи гуруҳга – инновацион шахсни шакллантириш учун дастлабки билимларни эгаллашга қаратилган усуллар киради ва уларни иккита: 1) инновацион шахсни ҳаққоний, илмий ахборотлар асосида шакллантириб, ривожлантириб борувчи; 2) инновацион шахсни шакллантиришда юзага



келган муаммоларнинг ечимини қидириб топишга қаратилган усулларга ажратамиз.

Инновацион шахсни ахборотлар асосида шакллантириб, ривожлантириб боровчи усуллар жумласига: а) тайёр ахборотлар ҳисобланадиган маъруза, ҳикоя, тушунтириш, суҳбат, видеофильмлар; б) мустақил тарзда излаб топилган ахборотлар, яъни китоблар устида мустақил ишлаш, фан дастурларларини мустақил ўзлаштириш ва шунга ўхшаш бошқа мустақил иш турларини бажариш асосида тўпланган маълумотларни киритамиз. Бунда, қўлланиладиган усуллар: эвристик суҳбат; лабораторияда қидирув ишларини бажариш; ўқув ва ўқувда баҳслашиш; ўқувда изланишлар олиб бориш сифатида амал қилади.

Иккинчи гуруҳга – шахснинг инновацион қобилиятини ўстириш ва такомиллаштиришга қаратилган билимларни мустаҳкамлаш, қобилият ва кўникмаларини шакллантиришга қаратилган–репродуктив ва ижодий жиҳатдан қайта ишлаб чиқарувчи усулларни киритамиз. Бундаги репродуктив усулларга: ўқув материални қайта ҳикоя қилиш; андозаси кўрсатилган машқларни айнан такрорлаш; лаборатория ишларини йўриқнома асосида бажариш; тренажерларда ишлаш; ижодий–қайта (такрор) ишлаб чиқарувчи усулларга: танланган мавзуда ёритилиши кутилаётган саволларни ижодий жиҳатдан муҳокама қилиш; муқобил вариантли машқларни ечиш; ишлаб чиқаришдаги вазиятни таҳлил қилиш; ишлаб чиқаришда юзага келган вазиятли вазифаларини ечиш; ҳар хил инновацион мазмундаги ўйинларни ташкил этиш ва бошқаларни киритамиз.

Таълим жараёнида шахснинг инновацион қобилиятини ўстириш ва такомиллаштиришга қаратилган воситалар жумласига: нутқ сўзлашда келтириладиган далиллар, кўргазмали сонлар, рақамлар, ҳужжатлар, маълумот ва норматив-ҳуқуқий актлар, хатлар, новаторларнинг илмий-маънавий қиёфаси, чизмалар, жадваллар, видеоқўлланмалар, суръатлар, альбомлар, макетлар, тренажерлар, техник воситалар, ахборот технологиялари ва бошқа техника ва меҳнат қуролларининг намуналари, кинофильмлардан олинган парчалар, бадиий ва илмий адабиётлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалар, электрон доскалар, маъруза матнлари ва шу кабиларни киритамиз.

Мазкур бобнинг “Инновацион шахсни шакллантириш ва ривожлантириш инфратузилмасини яратиш чора-тадбирлари” номли иккинчи бўлимида инновацион шахсни шакллантириш ва ривожлантиришнинг инновацион инфратузилмаси деб, жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаётини ривожлантириш, ўзгартиришга қаратилган янги ғояларни илгари сурувчи, илмий-амалий ишланмаларни яратувчи, уларни амалиётга тадбиқ қилувчи иқтидорли, талантли шахс-инсонларни вояга етказиш ишларига инновацион тарзда хизмат қилувчи турли-туман ёрдамчи ташкилий-ижтимоий институтлар, ташкилотлар тизимига айтилади, деган фалсафий таъриф берилган. Уни амалга ошириш асосан икки катта йўналишда: биринчидан, таълим тизими–мактабгача, бошланғич ва умумий ўрта, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий таълим доирасида;

иккинчидан, таълим тизими доирасидан ташқарида, яъни илмий-ишлаб чиқариш комплекслари, тажриба-синов майдонлари, ихтиро ва рационализаторлик бюрolari, хуллас, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар марказлари томонидан инновацион шахсни шакллантиришнинг инновацион инфратузилмасини яратиш ва ишга тушириш орқали олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

